

Ҳазрати Бобо масжиди



16:50 / 27 январь 737

Ҳазрати Бобо масжиди — Бухоро вилояти, Бухоро тумани ҳудудида жойлашган, тарихий-диний аҳамиятга эга муқаддас масканлардан биридир. Манбаларга кўра, ушбу масжид ва унга туташ зиёратгоҳ тахминан 18 асрлар даврида бунёд этилган. Маскан асрлар давомида намоз, зикр ва маърифат маркази сифатида фаолият кўрсатиб келган.

2025-2026 йилларда Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази вакиллари Бухоро туманидаги тарихий зиёратгоҳларни ўрганиш мақсадида амалга оширилган илмий экспедиция доирасида Ҳазрати Бобо масжиди ҳам ўрганилди. Экспедиция жараёнида масжиднинг меъморий хусусиятлари, маҳаллий аҳоли хотирасида сақланган тарихий маълумотлар ҳамда муқаддас масканнинг маънавий аҳамиятига оид маълумотлар йиғилди.

